

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Синдоров Бахтинур Холйигит ўғли

Тошкент давлат транспорт университети

“Корпоратив бошқарув” таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада темир йўл транспорти саноат корхоналарининг бошқарув тизимидаги айрим камчилик ва муаммолар кўриб чиқилган. Корхоналарда бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишда корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, саноат корхоналарининг узоқ муддатли ривожланишида бошқарув тизимининг самарадорлигининг таъсири чуқур таҳлил асосида ўрганилган.

Калим сўзлар: корпоратив бошқарув, темир йўл транспорти саноат корхоналари, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, экспорт кўрсаткичлари.

Abstract. This article examines some shortcomings and problems in the management system of railway transport industrial enterprises. Proposals have been developed for the application of modern principles of corporate governance in increasing the efficiency of the management system at enterprises. Also, based on a deep analysis, the influence of the management system's effectiveness on the long-term development of industrial enterprises was studied.

Key words. Corporate governance, railway transport industrial enterprises, production indicators, export indicators.

Кириш.

Маълумки, темир йўл транспорти мамлакат иқтисодий ривожланишининг энг муҳим драйверларидан бири саналади. Давлатда иқтисодий-ижтимоий фаровонликни таъминлаш, аҳоли ва мамлакат меҳмонлари учун сифатли ва хавфсиз ҳаракатланиш ҳамда юкларни ташиш хизматларини кўрсатишда сифатли транспорт инфраструктурасини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда албатта темир йўл транспорт ва унинг ташкилий бўлинма, корхона ва ташкилотларининг ўрни бекиёс. Хусусан, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ) таркибидаги ўндан ортиқ саноат корхоналари мавжуд бўлиб, улар томонидан нафақат темир йўл транспорти балки Республиканинг бошқа саноат тармоқлари учун тайёр маҳсулот ва хизматлар кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, саноат корхоналарининг экспорт кўрсаткичлари ва маҳаллийлаштириш даражаси ортиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ таркибидаги саноат корхоналарининг бошқарув самарадорлигини ошириш учун аввало уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил этилиши ҳамда бошқарув жараёнига корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш, акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ҳамда ижроия органида замонавий ёндошувларни жорий этиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ-329 сонли «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»³ ги қарори билан темир йўл транспорти таркибидаги энг йирик 3 та саноат корхоналари акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад ишлаб чиқариш корхоналарининг бошқарув жараёнини тубдан ислоҳ қилиш, бошқарув самарадорлиги ошириш, ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларида сезиларли юксалишни амалга ошириш ҳисобланади.

Бундан ташқари, юқоридаги қарор билан Саноатни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан, истисно тариқасида, экспортни кўпайтириш учун «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга унинг таркибидаги корхоналарнинг кафилиги асосида юк ва йўловчи вагонларини ишлаб чиқариш ҳамда мавжуд қувватларни ошириш учун жами 150 миллион доллар миқдоридаги кредит маблағларини имтиёзли давр билан ажратиш кўзда тутилган саналади⁴. Яратилаётган бундай имкониятлар, ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳсулот қаторини кенгайтириш, янги турдаги товар ва хизматларни ўзлаштириш орқали нафақат «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг ички талабини қондириш, балки, чет давлатларга етказиб берилаётган маҳсулот ва хизматлар ҳажмини ошириш имконини беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Корпоратив бошқарув тушунчаси дастлаб 1992 йилда “Корпоратив бошқарувнинг молиявий аспекти кўмитаси Ҳисоботи” эълон қилингандан сўнг кенг қўлланила бошлади. Одатда ушбу ҳисоботни кўмитага раислик қилган сэр Адриан Кедбери шарафига “Кедбери ҳисоботи” деб ҳам аташади⁵.

Жаҳоннинг етакчи давлатлари олимлари М.Альберт, М.Мескон, Ф.Хедоури, И.Ансоффлар томонидан корпоратив бошқарувнинг илмий-назарий асослари, унинг иқтисодий тараққиёт учун қўшган ҳиссаси ҳамда илмий жиҳатлари ҳар томонлама ўрганилган⁶.

³ <https://lex.uz/uz/docs/6631602>

⁴ <https://lex.uz/uz/docs/6631602>

⁵ Корпоративное управление: учебное пособие / А.Н. Петров. – СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2024. – 438 с.

⁶ Месков М. и другие Основы менеджмента. – М.: Дело, 2007. Ансофф И. Стратегической управление. – СПб.: Питер, 1990, с 127.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг етакчи олимлари С.Карнаухов, В.Винокуров, А.Стриган, С.Мельников, М.Крук, И.Храборова ва И.Мазур ⁷ томонидан саноат ишлаб чиқариш корхоналарида корпоратив бошқарувнинг илмий ва назарий асослари, ривожлантириш масалалари тадқиқот марказида бўлган.

Шунингдек, Ўзбекистонлик бир қатор етакчи олимлар томонидан корпоратив бошқарувнинг мавжуд муаммолари, Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари қўллаш ҳамда корпоратив бошқарув самарадорлигини янада ошириш бўйича илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, Б.Беркинов, И.Бутиков, Б.Ходиев, М.Хамидуллин, Д.Суюнов, Р.Карлибаева, Д.Бегматова ва бошқалар томонидан корпоратив бошқарувнинг мавжуд муаммоларини ўрганиш ва уларга асосланган ечимларни ишлаб чиқиш бўйича изланишлар олиб борганлар ⁸.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани тайёрлашда Scopus ва Web of Science каби базалардаги ҳаволаларнинг сонига кўра таснифланган илмий мақолалар, темир йўл транспорти соҳаси қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида танлама адабиётлар таҳлили (a selective literature review), шунингдек, менежментнинг замонавий ёндашувлари, кузатиш, қиёслаш, эксперимент, анализ, синтез, гуруҳлаш, индукция, дедукция, таққослаш каби усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Сўнгги йилларда жадал ривожланаётган саноат соҳаси мамлакат иқтисодиётининг муҳим драйверларидан бирига айланиб улгурди. Юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни яратиш, маҳаллийлаштириш

⁷ Винокуров В.А. Организация строительского управления на предприятиях. – М., 1996, с 174.; Организационные взаимодействия в управлении. Крук МД. Современная форма в механизме корпоративного управления: методология и практика. – М., 2000, с 357. Мазур И.И. и др. Корпоративный менеджмент. – М.: Омега, 2011, 781 с. Храборова И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. – М., 2000, 64 стр.; Карнаухов С. Эффективность корпоративных структур. // Риск. – Москва, 2004. № 1-2, 4 с.

⁸ Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры: основы создания и управления. – Т.: Изд. Нац. биб-ка Узбекистана им. А.Навои, 2005. – 132 с.; Ходиев Б.Ю. Карлибаева Р.Х. Акрамова Н.П. Корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 280б.; Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари, иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент, 2018 й.; Д.Х.Суюнов, Э.А.Хошимов, Ш.А.Хусаинов. “Корпоратив бошқарув: муаммолар ва замонавий ечимлар” – Тошкент: Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби 2021. – 202 бет.; Хамидуллин М.Б., Ташматов Ш.А. К вопросу об эффективном собственнике в системе корпоративного управления // Иннов: электронный научный журнал, 2018.; Бегматова Д.Б. Совершенствование методов оценки эффективности корпоративного управления в акционерных обществах: диссертация на соискание учёной степени доктора философии (PhD) по экон. наук. – Т.: ГЭУ, 2017. – 164с.

ҳисобида импорт ҳажмини камайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ҳам айнан саноат соҳаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Хусусан, 2024 йилнинг январь-март ойлари давомида мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 242 701,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 6,2 %га ўсиш кузатилди. Саноат тармоғининг ўсиши 6,5 %ни ташкил этган бўлиб, ушбу тармоқ энг жадал ривожланаётган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда.⁹

Ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларининг доимий равишда ошиб бориши, йирик хорижий ва маҳаллий ҳамкорларнинг сони ортиши саноат корхоналари бошқарув самарадорлигини ошириш, акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижро органи фаолиятини мунтазам мониторинг қилиб боришни талаб этади. Шунингдек, темир йўл транспорти саноат корхоналарининг катта ер ресурслари ва малакали кадрлар захирасига эга эканлиги рақобатбардош ва уникал маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришда нисбатан устунлик беради.

Хусусан. қуйидаги жадвалда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ таркибидаги йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тақдим этилган.

1-жадвал. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ таркибидаги саноат корхоналарининг 2024 йилги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари режаси

№	Саноат корхонаси номи	2024 йил учун режа (млн.сўм)
1	«Ўзтемирйўлмаштаъмир» АЖ	344,4
2	«Андижон механика заводи» АЖ	251,7
3	«Quyuv-mexanika zavodi» АЖ	322,8
4	«Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» АЖ	280,3
5	«14-релс пайвандлаш поезда» МЧЖ	42,2
6	«Ўзвагонтаъмир» АЖ	80,3
7	«Тошкент механика заводи» АЖ	196,1
8	«Эйвалекмахсистемирбетон» МЧЖ	180,1
9	«Шарғункўмир» АЖ	300,5
Жами:		1 998,4

⁹ https://t.me/statistika_rasmiy/4636

Ушбу корхоналарнинг асосий фаолият тури янги юк вагонларини ишлаб чиқариш ва уларни турли хил қийинлик даражасидаги таъмирлаш ишларини олиб бориш, шунингдек, тепловоз ва электровозларни турли қийинлик даражасидаги таъмирлашдан иборат ҳисобланади. Маҳсулотлар реализациясида катта улушни темир йўл транспорти корхона ва ташкилотлари ташкил этишига қарамасдан, корхоналар томонидан мунтазам равишда чет корхоналар ва экспорт учун маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш бўйича ишлар олиб борилади. Хусусан, биргина «Quyuv-mexanika zavodi» АЖ томонидан 2024 йилда Қозоғистон, Россия, Бирлашган араб амирликлари каби давлатларга янги юк вагонлари экспорт қилинган.¹⁰

2-жадвал. «Quyuv-mexanika zavodi» АЖ ва «Андижон механика заводи» АЖларда ишлаб чиқарилувчи юк вагонлари тўғрисида маълумот¹¹

№	Ишлаб чиқарувчи ташкилот	Юк вагонининг номи
1	«Quyuv-mexanika zavodi» АЖ	11-9923 Русумидаги ёпик вагон
2	«Quyuv-mexanika zavodi» АЖ	12-9922 Русумидаги ярим очик вагон
3	«Quyuv-mexanika zavodi» АЖ	19-9596 Русумидаги цемент ташувчи бункерли (хоппер) вагон
4	«Quyuv-mexanika zavodi» АЖ	Минерал ўғит ташувчи, 19-9600 русумидаги бункерли (Хоппер) вагон
5	«Quyuv-mexanika zavodi» АЖ	13-6991 Русумидаги катта хажмли контейнерларни ташиш учун вагон платформа
6	«Quyuv-mexanika zavodi» АЖ	19-9600-01 моделидаги буғдой ва бошқа сочиловчан юкларни ташувчи вагон-хоппер
7	«Андижон механика заводи» АЖ	Суюлтирилган нефть газларини ташишга мўлжалланган – вагон цистерна
8	«Андижон механика заводи» АЖ	12-9768-01 моделидаги бўш деворлари ва тушириш люклари бўлган 4 ўқли очик вагон

¹⁰ https://railway.uz/uz/informatsionnaya_sluzhba/novosti/36468/

https://t.me/quyuvmexanika_shk/17416

¹¹ Муаллиф томонидан корхоналарнинг йиллик “Бизнес режа” маълумотлари асосида тайёрланди.

9	«Андижон механика заводи» АЖ	Нефть ва газ хомашёси ва рангсиз нефть маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган контейнер цистерна
10	«Андижон механика заводи» АЖ	Нефть ташувчи вагон - цистерна
11	«Андижон механика заводи» АЖ	Олтингугурт кислота ташувчи вагон цистерна
12	«Андижон механика заводи» АЖ	Цемент ташишга қайта жиҳозланган платформа

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ таркибидаги ушбу йирик саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилувчи юк вагонлари нафақат Республикада, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам аналогича йўқ ҳисобланади. Шунингдек, темир йўл транспорти корхоналар томонидан ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ва хизматларнинг энг йирик харидори ҳисобланади.

Барча соҳада бўлган каби, темир йўл транспорти саноат корхоналари операцион фаолияти, харила ва сотув жараёнлари рақамли форматга босқичма-босқич ўтмоқда. Ўзбекистон Республикасида, темир йўл транспорти саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ва хизматларнинг энг йирик харидори ҳисобланади. Шунингдек, сотув жараёнида маҳсулотлар реализацияси давлат харидлари маҳсулоти электрон порталлари орқали амалга оширилмоқда. Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, «Quyuv-mexanika zavodi» АЖ 3 турдаги юк вагонларини ишлаб чиқариш бўйича ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган ҳисобланади.¹² Бу эса ўз навбатида харидорларга корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган вагонларни тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилиш ҳамда қимматли вақт тежаш имкониятини яратди.

Хулоса ва таклифлар

Корпоратив бошқарувнинг моҳияти компания фойдасини максималлаштириш мақсадида, кузатув кенгаши, ижроия органи, акциядорлар, меҳнат жамоаси ҳамда компания фаолиятига алоқадор шахслар манфаатлари уйғунлиги тизими ҳисобланар экан, темир йўл транспорти саноат корхоналарининг самарали фаолият юритишида корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойил ва методларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти таркибидаги ташкилий-ҳуқуқий шакли акциядорлик жамияти бўлган корхоналарнинг самарали фаолият олиб бориши, бевосита ташиш таннарини камайтириш, кўрсатилаётган хизматлардан тушган тушумлар ҳажмини инфратузилмани янгилаш ва модернизация қилишга

¹² xarid.uzex.uz/info/supplier

йўналтириш имконини беради. Шу муносабат билан, темир йўл транспорти корхоналарида корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

1. Кузатув ва ижро органи аъзолигига номзодларни саралаш ва тайинлаш очиқ танлов асосида Давлат активлари агентлигининг махсус веб-портали <https://cns.davaktiv.uz/uz> орқали амалга оширилишини йўлга қўйиш;

2. Кузатув кенгаши аъзоларининг фидуциар мажбуриятларига бўлган дахлдорлик ҳиссини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

3. Кузатув ва ижро органи аъзолигига номзодларнинг мажбурий равишда “Корпоратив бошқарувчи малака аттестати”га эга бўлиши тартибини жорий этиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. <https://lex.uz/uz/docs/6631602>;
2. Корпоративное управление: учебное пособие / А.Н. Петров. – СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2024. – 438 с.;
3. Месков М. и другие Основы менеджмента. – М.: Дело, 2007. Ансофф И. Стратегической управление. – СПб.: Питер, 1990, с 127.;
4. Винокуров В.А. Организация строительского управления на предприятиях. – М., 1996, с 174.;
5. Крук МД. Современный форма в механизма корпоративного управление: методология и практика. – М., 2000, с 357;
6. Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры: основы создания и управления. – Т.: Изд. Нац. биб-ка Узбекистана им. А.Навои, 2005. - 132 с.;
7. Ходиев Б.Ю. Карлибаева Р.Х. Акрамова Н.П. Корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 280б.;
8. Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари, иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент, 2018 й.;
9. Д.Х.Суюнов, Э.А.Хошимов, Ш.А.Хусаинов. “Корпоратив бошқарув: муаммолар ва замонавий ечимлар” – Тошкент: Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби 2021. – 202 бет.;
10. Хамидулин М.Б., Ташматов Ш.А. К вопросу об эффективном собственнике в системе корпоративного управления // Иннов: электронный научный журнал, 2018.;

11. Бегматова Д.Б. Совершенствование методов оценки эффективности корпоративного управления в акционерных обществах: дис. на соискание учёной степени доктора философии (PhD) по экон. наук. – Т.: ГЭУ, 2017. - 164с.;

12. Мазур И.И. и др. Корпоративный менеджмент. – М.: Омега, 2011, 781 с. Храборова И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. – М., 2000, 64 стр.;

13. Карнаухов С. Эффективность корпоративных структур. // Риск. – Москва, 2004. № 1-2, 4 с.

14. railway.uz